

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 40 (1044)

25

ФЕВРАЛЬ
СЕШАНБА
1958 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИНИН

Совет пахтачилигини янада юксалтириш учун

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ Кенгаши ўз ишчи тамомида, Кенгаш ишида Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Арманистон пахтакорлари қатнашдилар. Шунинг учун ҳам Кенгаш кенг тажриба алмашиш, қардошларча ҳамкорлик, янг муҳим масалаларни бирликтида ўртоқларча муҳокама қилиш шiori остида ўтди. Кенгаш Коммунистик партиянинг халқлар дўстлигин, пролетар интернационалими идеологиясининг ҳаётий кучини кўрсатди, ленинча миллий сиёсатнинг буюк тантанасига айланди.

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ Кенгашида КПСР Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев совет пахтачилигини янада юксалтиришга қаратилган катта нўтқ сўзлади. Шунингдек Кенгашда колхозчиларнинг, совхоз ва МТС ишчиларининг қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг Ўзбекистон ССРда, Тожикистон ССРда, Туркменистон ССРда, Озарбайжон ССРда, Қозоғистон ССРда, Қирғизистон ССРда ва Арманистон ССРда пахтачилигини янада ривожлантириш юзасидан олган мажбуриятлари қабул қилинди. Ўртоқ Хрушчев нўтида ва Кенгаш қатнашчилари қабул қилган мажбуриятларда пахтачилик соҳасида эришилган катта муваффақиятлар аюланган, совет пахтачилигини янада юксалтиришнинг бундан кейинги кенг перспективалари тилиб берилган.

Пахтакор республикалардаги колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари ўтган йилги об-ҳаво шароитининг ноулай келишига қарамастан КПСС XX съезидининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, партия ва ҳукуматнинг долмиғ ғамхўрлиги ва ёрдами тўғрйли пахтадан мўл ҳосил етиштиришлар, умуман бутун мамлакатда пахта тайёрлаш панини бақарилишини таъминладилар. Мамлакатдаги совхоз ва колхозлар ўтган йили ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 20,8 центнердан ҳосил етиштиришлар. Йилор районлар, об-ҳаво ва республикаларда янада мўл ҳосил етиштирилди. Масалан, Тожикистонда ҳар гектар ердан 26,5 центнердан пахта олинди. Об-ҳаво ва совхозларда пахта олинди. Абластики билан мусобақадон Андижон пахтакорлари оёса, 28,5 центнердан ҳосил олдилар.

Пахтакор республикаларнинг ҳаммасида пахтадан йил сайин мўл ҳосил олишни таъминлайдиган ажойиб пахта усталари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг добилиятли ташкилотчилари етишиб чиқди. Областикининг илгор пахта усталари Ҳамроқул Турсунқулов, Абдижамил Матқубов, Соиб Назаров, Абдулла Ортиқов, Саодат Гулаҳмедова ва бошқа донддор пахтакорларини ким танимайди, дейсиз. Бундай йилларини жуذا қўлаб келтириш мумкин. Ватан поволар пахтакорларининг меҳнат соҳасиди хизматларига юксак баҳо бериб. Пахта далалари меҳнаткашларидан кўп киши орден ва медаллар билан мукофотланди, уларнинг қўлларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак ва фахрли унвон берилди. Пахтакорлар орасида икки марта, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган донддор кишилар бор.

Пахта — пахтакор республикалар меҳнаткашларининг, шу жумладан ўзбек халқининг катта бойликлари.

«Пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари, — дейилади Кенгаш қатнашчилари қабул қилган мажбуриятларда, — КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалигидаги

Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Жамол Абдил НОСИР жаноб олийларига

ҚОҲИРА.

Президент жаноблари,

Бирлашган Араб республикаси тузилиши ҳамда Сизнинг Республика Президенти вазифасига сайланганлигиниз муносабати билан СССР Олий Совети Президенти ва Совет ҳукумати номидан, шунингдек шахсан ўз номидан Сизни чин кўнглидан табриклашга изжозат бергайсиз.

Совет Иттифоқининг халқлари арабларини бирлиги идеясига чуқур хайрихоҳлик билан ва яхши тушуниб қарайдилар. Бу идея ажайиблар томонидан асрлар бўйи эзилб келган араб халқлари қалбида кўпдан буюн яшаб келди. Араб халқлари ўзларининг бирлигини мустамакачиликка қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун янг муҳим шартлардан бери деб биладилар. Мустамакачилик уларнинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва тараққиёти йўлида тўққилик бўлиб келди. Мен учун Сизга шу нарсани билдириш қувончлидирки, Совет ҳукумати халқларининг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш юксак принципларига ҳамда араб халқларининг асрлардан буюн бирликка янгиликларини ҳурмат қилиш принципларига амад қилиб, Совет Иттифоқининг Бирлашган Араб Республикасини мустақил ва суверен давлат деб таниши тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда Миср ва Сурия билан муносабатларда бўлгани каби Бирлашган Араб Республикаси билан дўстона муносабатларни қувватлашга тайёр эканлигини изҳор қилди.

Президент жаноблари, Совет Иттифоқи, Миср ва Сурия ўртасида шунча бахтли суратга давом этиб келган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буюн ҳам СССР ва Бирлашган Араб Республикаси ўртасида халқларининг бахти-саодати йўлида, Яқин ва Урта Шарқда тинчликни, шунингдек умумий тинчликни мустаҳкамлаш йўлида муваффақиятли равишда ривожланиб, деб ишонч билдиришга рўхсат этгайсиз.

Сизга янада муваффақиятлар, шунингдек Бирлашган Араб Республикаси халқининг равиқ топиши ва оёйишталигини тилаймиз.

К. ВОРОШИЛОВ

СССР Олий Совети Президиумининг Рамси

Москва, Кремль.

1958 йил, 22 февраль.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг мамлакатимиздаги барча касаба союз аъзоларига, барча ишчиларга, инженер-техник ходимларга ва хизматчиларга

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

1958 йил 16 марта Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига навбатдаги сайлов ўтказилди.

Мамлакатда авж олдирилаган сайлов кампанияси социалистик қурилиш соҳасида КПСС XX съезди белгилаб берган улуғвор программани муваффақиятли равишда амалга ошириш учун умумхалқ кураши вазиётида ўтмоқда.

Коммунистик партиянинг ленинча сиёсати совет халқининг коммунистик қурилиш соҳасида оламшумул тарихий ғалабаларини таъминлади. Партиянинг кучи шундаки, у ўзининг бутун фаолиятида улуғ ҳаёتبохш марксизм-ленинизм таълимотига амад қилмоқда, у меҳнаткашлар омиси билан чамбарчас болганган бўлиб, уларнинг ишончини ва битмас-туғамас ижодий активлигига таянмоқда. Партия бутун дунё миқёсида шўҳрат қозонган совет халқининг, ижодкор халқ, қаҳрамон халқнинг революцион ғайратига ва қудратли кучига чуқур ишонмоқда. Партиянинг сиёсати, унинг бутун яратувчилик фаолияти совет халқининг бахт-саодатига ва равиқдаги хизмат қилмоқда, унинг тўб ҳаётий манфаатларини ифода қилмоқда.

Шу сабабли бундан аввалдагидек, бўладиган бу сайловда ҳам партияси ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, барча совет сайловчилари коммунистлар билан маҳкам болганган ҳолда қатнашадилар. Партияси ҳамма сайловчилар — ишчи ва хизматчилар сайловда коммунистлар билан ягона иттифоқ бўлиб майдонга чиқадилар ҳамда буюн совет ижтимоий тузузининг енгилмас кучи деб, коммунизм йўлидаги курашда янада муваффақиятларга эришишларининг ишончли гарови деб биладилар.

СССР Олий Советига сайлов — мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий ўсиши аюларини тўплайш демокдир. Бундан аввалги сайловдан бери ўтган тўрт йил совет халқи янги катта муваффақиятларга эришган йиллар бўлди. Қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар, ажойиб интеллигенциями, барча совет кишилари ўтган сайлов арасидаги Коммунистик партия белгилаб берган программани муваффақият билан амалга оширмоқдалар.

Социалистик Ватанимизнинг бепоён ерларида янги йиряк санаот марказлари, катта-катта обод ш-ҳарлар ва ишчи посёлкалари вурилди ва ишчи посёлкалари вурилди ва ишчи посёлкалари вурилди. Гигант электростанциялар, ўйлаб домна ва мартен печлари, нефть қонлари, юзлаб кўмир шахталари, минглаб янги завод ва фабрикалар янги туширилди. Ана шу йиллар мобайнида санаот ишлаб чиқариши узулкениз юксалиб борди,

техника янада тараққий эттирилди, меҳнат унумдорлиги тобора ошиб борди. Совет фани ва техникаси арбоблари, санаотимиз ишчилари Ерининг сунъий йўдошларини учуриб, буюк қаҳрамонлик кўрсатдилар, жаҳон фани ва техникасини ривожлантириш ишига жуذا катта ҳисса қўшдилар.

Санаотни ва айниқса огир индустрияни ривожлантириш соҳасида эришилган гоят катта муваффақиятлар санаот махсулотининг янг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳажми жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш изи-фасили муваффақиятли ҳал этиш учун шариот яратиб берди.

Социалистик қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ажойиб муваффақиятлари барча совет кишиларини қувонтирмоқда. Коммунистик партиянинг тўғри ва ычиллик билан амалга ошириладиган сиёсати тўғрйли кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда катта муваффақиятларга эришилди, мамлакатда дон, сут, тўғит, ёр, сабанот, пахта, жуи, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш кўпайди. Партиянинг қаққирғи билан халқимиз қисқа муддат ичида Қозоғистон ва Сибирда ўн миллионлаб гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, меҳнат соҳасида катта қаҳрамонлик кўрсатди. Ҳозирги сайловда Қозоғистон ва Сибирь мамлакатининг галла қонига айлантирилди. Совет Иттифоқининг аҳоли жон бошига тўғит, сут ва ёр етиштириш жиҳатидан яқин вақт ичида АҚШ га етиб олажаги эндиликда ҳаммага айдир.

Социалистик халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш асосида ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи йил сайин ўс-моқда, совет халқининг фаровонлиги тобора юксалимоқда.

Маълумки, кейинги вақтларда байрам олди кунларида ва дам олиш кунлари олдида иш қуни қисқартирилди, ишчи ва хизматчиларни ети соатлик иш кунига, баъзи касблар бўйича оёса олти соатлик иш кунига қўйиришга киришилди. Кам ҳақ олиб келган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи кўпайтирилди, меҳнаткашларнинг пенсия таъминоти янча оширилди. Урта мактабларда ва олий ўқув юртиларида ўқин ҳақ олиш бекор қилинди. Коммуналар ва туғиш юзасидан хотинларга иш ҳақи тўлангани ҳолда бериладиган отпускса муддати узайтирилди. Социал-маданий тадбирлар учун қилинадиган харажатларнинг кўпайтирилганлиги партиянинг ва Совет давлатининг халқ бахт-саодати тўғрисида қилётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Совет

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети касаба Союзларининг ҳамма аъзоларини, ишчиларни, инженер ва техникларни, қишлоқ хўжалик ходимларини, фан ва маданият арбобларини, совет муассасаларининг хизматчиларини, совет студентларини СССР Олий Советига сайловда актив қатнашишга ҳамда коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокнинг кандидатлари учун яқдиллик билан овоз беришга қақиради.

Қадрли ўртоқлар!

Ҳозирги вақтда қарийб 50 миллион ишчи ва хизматчилари бирлаштириб турган совет касаба союзлари ишчилар синфининг қаҳрамонона ишларида катта роль ўйнамоқда.

Хўжаликни бошқариш ва идора этиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган касаба союзлари меҳнаткашлар орасида кўп томонлама ташкилотчилик ишлари ва тарбиявий иш олиб бормоқдалар, уларни коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг касаба союзлари иши тўғрисидаги қарори СССР партияса союзларининг жанговар программасидир. Касаба союзлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг кўрсатмаларига амад қилиб, ишлаб чиқаришнинг бошқаришга меҳнаткашларини янада кўпроқ тортилишни таъминлайдилар, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, халқ хўжалигига да манжуд бўлган гоят катта резервлардан ахирироқ фойдаланиш учун курашда уларнинг ижодий ташаббусини бундан буюн ҳам ривожлантирадилар, ишчи ва хизматчиларнинг маданий ва маъний ҳўж-жарларини қондириш тўғрисида ғамхўрликини кучайтирадилар, уларнинг иш шариотини яхшилашга эришиш учун қатъий ҳаракат қиладилар.

Совет жамияти ҳаётида касаба союзлари ролининг оширилиши Коммунистик партиянинг социалистик демократияни янада ривожлантириш тўғрисида қилётган ғамхўрлигини кўрсатуви янги далиллар. Кейинги вақтларда иттифоқи республикаларнинг ҳукуқлари янада кўпроқ кенгайтирилди, меҳнаткашлар депутатлари Советларнинг фаолияти активлаштирилди, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишдаги роли оширилди, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш чоралари қрилд, санаот ва қурилишни бошқариш тубдан қайта қурилди, бу тадбир ҳозирдак ўзининг ахши натижаларини бермоқда.

Давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Советига бўладиган сайловда касаба союз аъзолари ва барча меҳнаткашлар коммунистлар билан партиясизлар блокнинг кандидатлари учун овоз бериб, Коммунистик партиянинг сиёсатини тўла равишда қўлаб-қувватлаётганликларини, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада эфр куч билан янаштириб, совет кишиларининг моддий фаровонлигини ва маънавий тўғри йил мобайнидаги 4,5 миллион рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг ҳамма ёш сайловчиларга МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

1958 йил 16 марта Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайлов ўтказилди. Шу кун миллион-миллион йигитлар ва қизлар ҳамма сайловчилар билан бирликтида коммунистлар билан партиясизлар блокнинг кандидатларини ёқлаб, совет халқини янги яхши йилларга ва қишлоқларга ёқлаб ўз овозларини бериш учун сайлов кутулири олдида борадилар.

Мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органига сайлов ишчилар, колхозчилар, совет энгилларининг сиёсати ва меҳнат ғайрати гоят юксалган вазиятда, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезидининг тарихий режаларини тетроқ амалга ошириш учун умумхалқ кураши авж олиб бораётган вазиятда ўтказилди.

СССР Олий Советига ўтказилган сайловдан бери оғда фақат тўрт йил вақт ўтди. Шу қисқа тарихий вақт ичида ҳақиқатан ажойиб ишлар қилинди! Совет халқи партияси-мизнинг ўтган сайловда кўтариб чиққан программасини Коммунистик партия раҳбарлигида муваффақиятли бажарди ҳамда социалистик экономика, фан ва маданиятнинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда, ўзининг кўп миллатли давлатини мустаҳкамлашда жуذا катта ғалабаларга эришди.

Ҳозирги вақтда бепоён социалистик Ватанимизнинг ҳамма жойида — Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистоннинг, Урта Осиё, За-

кавказ ва Молдавиянинг, Белоруссия ва Болтиқ бўйи республикаларининг кенг ерларида — янги-янги санаот корхоналари, кучли электростанциялар қад кўтармоқда; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кескин равишда юксалтириш программаси муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда; асрлардан бери бўш ётган ўн миллионлаб қўриқ ва бўз ерлар совет кишиларига хизмат қилдирилмоқда. Олимларимиз, инженерларимиз, техникларимиз ва ишчиларимиз тез учур ҳаво кемааларини ва қитқаларо рақалистик ракеталарни яратиб, узулвор муваффақиятларга эришдилар. Совет кишини тарихда биринчи бўлиб Ерининг сунъий йўдошларини космосга учуриди ва бу билан жаҳон фани ва техникасини ривожлантиришда янги давр оқди.

Ўтган тўрт йил ичида социалистик демократиямиз янада ривож топти. Бу ривожланиш иттифоқи республикаларининг ва маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқлари алмча кенгайтирилганлигида, санаот ва қурилишни бошқариш тубдан қайта қурилганлигида, Халқ хўжалиги кенгашлари тузилганлигида ўз ифодасини топти. Кенг меҳнаткашлар ва ишчиларнинг бошқаришда, мамлакатнинг сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётида тагин ҳам активроқ қатнашадиган бўлиб қолди.

Мамлакатимизда қилинадиган ишларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг, шу жумладан, ёшларнинг ҳам манфаатлари учун қилинмоқда. Ўтган тўрт йилнинг янг муҳим аюни шу

бўдидики, халқ турмушининг моддий даражаси ва маданий савияси тагин ҳам юксалди. Бизнинг кўз олдимизда янги посёлкалар, шаҳарлар вужудга келмоқда, янги уйлардан иборат кварталлар қад кўтармоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидagina меҳнаткашларга 48 миллион квадрат метрга яқин уй-жой қуриб берилди. Ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи ошди, колхозчиларнинг даромадлари кўпайди, пенсиялар оширилди, ўрта ва олий ўқув юртиларида текин ўқитиш жорий қилинди, ўқирлар учун иш қуни камайитрилди, кўп корхоналар етти соатлик иш кунига, ер ости ишларида ишчиловлар оёса, олти соатлик иш кунига ўтмоқдалар. Совет кишини ҳаётий йилдан-йилга тобора ахшиланиб ва баъвалат бўлиб бормоқда.

Бутун совет халқи сингари ёшлар ҳам ўз қобилиятлари ва истеодларини ривожлантирмоқ учун, ўзларининг маданий талабаларини қондириш учун ҳамма имкониятларини олдилар. Бизнинг мамлакатимизда ети йиллик умумий таълим жорий қилинган ва яқин йиллар ичида ҳамма жойда умумий ўрта таълимни амалга ошириш чоралари қурилмоқда. Ҳозирги вақтда тўрт миллиондан кўпроқ йигит ва қизлар олий ўқув юртиларида ва техникумларда ўқитилмоқдалар. Фақат олий ўқув юртиларининг ўзидagina икки миллионга яқин, яъни Европадаги ҳамма калиталистик мамлакатларини бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам, икки баравардан энёроқ студент ўқимоқда.

Юз минглаб йигитлар ва қизлар меҳнат резервлари билим юртиларида ва мактабларида, шунингдек турли курсларда ва ҳунар-техника таълими турларида қатнашга касб ўрганимоқдалар. Ҳозирги вақтда, ҳақти, чет алардаги ишчи душманларимиз ҳам Совет Иттифоқи инженер-техник ва илмий кадрлар тайёрлашни кенг ташкил этишда бошқа капиталистик мамлакатлар у ёқда турсин, Америка Қўшма Штатларидан ҳам ўзиб кетгандигини эътироф қилишга мажбур бўлдилар. Кейинги йилларда Совет Иттифоқининг халқроқ миёсдаги обрўси ниходат даражада ошиб кетди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқроқ кескинлики юмшатишга, халқлар ўртасида тинчлик ва ишончини мустаҳкамлашга эришмоқ учун ҳамма чораларни қўриб келди.

Совет халқи ўзининг мана шу жуذا катта ғалабаларининг ҳаммасида Ленин кўрсатиб берган йўлдан мамлакатини коммунизм сари ишонч билан олиб бораётган шонли Коммунистик партия раҳбарлигида эришти. Партия бизнинг олдимизга коммунистик қурилишнинг тобора узулвор истебқоларини очиб бермоқда. 15 йил ичида биз махсулотининг янг муҳим турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига эришилган ҳозирги ҳажмига етиб олишимиз ва ундан ошириб юборишимиз, аҳоли жон бошига тўғит, ёр ва -сут етиштириш жиҳати-

данги савиясини янада юксалтиришдан иборат узулвор программани амалга оширишга қатъий бел боғлаганликларини яна бир марта изҳор қиладилар.

Тинчлик халқларнинг муқаддас орузидир. СССР Олий Советига бўлиб ўтган аввалги сайловдан бери ўтган тўрт йил Совет давлати бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқроқ кескинлики юмшатиш, қуролсизланиш ва ялти қиргин қуролини тақиқлаш учун, барча мамлакатлар ўртасида, улардаги ижтимоий тузумининг қандай бўлишидан қатъий назар, ўзаро ишонч муҳитини вужудга келтириш учун ҳормай-томай актив кураш олиб бораган давр бўлди.

Коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашлари қабул қилган Декларация ва Манифестнинг барча мамлакатлардаги меҳнаткашларни тинчлик, демократия ва социализм учун курашда бирлашишга даъват етган оташни сўзлари бутун дунёга жаранглаб эшитилди.

Ишчилар, колхозчилар, интеллигенция, хизматчилар ва ўқувчилар — Улуғ Ватанимизнинг ҳамма граждандари бўладиган сайловда коммунистлар билан партиясизлар блокнинг кандидатлари учун овоз бериб, бу билан тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик байроқдори — Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини қўлаб-қувватлаётганликларини яна бир марта изҳор қиладилар.

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи қудратли ижодий кучлари барқ уриб яшнаган ҳолда ўзининг бешикчи ўн йиллигига қадам қўйди. Бизнинг халқимиз келажакка ишонч билан қарайди. Ўн халқнинг бахт-саодати учун курашда силанган Коммунистик партия олга бошлаб бормоқда. Партиянинг долга ленинча сиёсати — коммунизм сари муваффақият билан олға боришимизнинг ишончли гаровидир.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети касаба союзларининг ҳамма аъзоларини, ишчиларни, инженер ва техникларни, қишлоқ хўжалик ходимларини, фан ва маданият арбобларини, совет муассасаларининг хизматчиларини, совет студентларини СССР Олий Советига сайловда актив қатнашишга ҳамда коммунистлар билан партиясизлар блокниам блокнинг кандидатлари учун яқдиллик билан овоз беришга қақиради.

Ҳамма сайловга!

Яшасин Социалистик Ватанимиз! Яшасин совет халқи улуғ ғалабаларининг ялҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Ленин комсомолда, совет ёшлари партиясимизнинг ҳамма қаққирғиларига жавобан ҳаммиса қизгин иш қилиб келдилар.

Комсомоллар ва ёшлар ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари ва жанговар ишлари билан ҳозирги замоннинг улуғ тарихига жуذا кўп ажойиб саҳифалар ёздилар. Улар янги дунё қурувчиларининг биринчи сафларида бормоқдалар, ўзларининг ҳамма ишлари билан Коммунистик партияга беиҳод соқилликларини исбот қилмоқдалар. Бақувват қўлаб ва ёшларнинг оташни қалби керак бўлган жойларга, фақат олға бориш — Советлар мамлакатидидаги ёш бўлигининг жанговар шiori мана шулар. Коммунистик партиянинг қаққирғига жавобан, ўзларининг астойдил ҳоҳишлари билан 700 мингга яқин «ёш қўғилқандар» фақат кейинги йилларнинг ўзидagina комсомол йўлнамалари билан мамлакатнинг янги қурилишларида ва қўриқ ерларида бориб ишга тушдилар. Ҳозирги вақтда ҳам йигитлар ва қизлар КПСС XX съезидининг қарорларини бажариб, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Чехословак халқининг тарихий ғалабаси

(1948 йилги ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИНИНГ 10 йиллиги муносабати билан)

Халқ демократияси тузумини тутгани ва мамлакатда капитализмни тиклашга уринган ички ва ташқи реакция кучлар устидан Чехословакия меҳнатчилари Коммунистик партия раҳбарлиги остида қатъий ғалаба қозонганига ўн йил ўтди.

1948 йил 20-25 февралда бўлиб ўтган тарихий воқеаларнинг шонли ўн йиллигини Чехословакия Республикасининг халқлари билан биргалаб социалистик лагердаги барча мамлакатларнинг меҳнатчилари, жаҳоннинг демократик жамоатчилиги ҳам кенг нишонлайди.

1945 йил баҳорда мамлакат немис-фашист босқинчилардан озод қилинган. Чехословакияда халқ ҳокимияти ўрнатилганлиги чехословак халқининг гоят катта ғалабаси бўлди. 1945-1946 йилларда Чехословакияда чуқур революцион ўзгаришлар амалга оширилди: жойлардаги янги давлат ҳокимияти органлари бўлган миллий комитетлар тuzилди, оғир саноат, қоплар ва шахтарлар, темир йўл транспорти ва банклар национализация қилинди. Экономика ва давлатни боқаришни соҳасидаги қўмондонлик ўринлари меҳнатчилар қўлига ўтди. Коммунистлар ва уларни қўллаб-қувватлаган сўл социал-демократлар Миллий фронт ҳукуматида бош вазир ва бир қанча муҳим министрликлардаги раҳбарлик ўринларини эгалладилар.

Бироқ ақсўлатларнинг синфлар мамлакатдаги атаклиги муҳим иқтисодий ва сиёсий позицияларини ҳамон эгаллаб турар эдилар. Буржуа партиялари бўлган миллий социалистик, Халқ (католик) ва Демократик партияларнинг вакиллари Миллий фронт ҳукумати составига кирар эди. Ҳукумат расми ўринбосарлардан усталининг давонимлари, истиқия, таъки савдо, транспорт, маориф министрликлари ва бошқалар шу партиялар қўлида эди. Республика президенти давонимини эса буржуазиянинг кекса ва соқик хизматкори — Эдуард Бенеш эгаллаган эди.

1946 йил майда Татисе атувчи Миллий мажлисга ўтказилган сайловларда чехословак халқи компартиянинг ишонч билдирди. Компартия энг кўп овоз олди. Сайловлар натижасида Чехословакия Коммунистик партиясининг расми Клемент Готвальд Миллий фронт ҳукуматида бошқиб бўлди, бу ҳукумат составига барча буржуа партияларнинг вакиллари ҳам киритилди.

Коммунистлар бошчилиги қилган ҳукумат кенг оммаини мададига таяниб, халқ демократияси давлатини янада мустақамлаш программасини ишлаб чиқди.

Буржуа партияларининг раҳбарлари муҳим иқтисодий-иқтисодий ўзгаришларини амалга оширишни кўзда тутган ҳукумат программасини расмий унгунига қувватлаб, амалда капиталистлар ва помещиклар ҳокимиятини тиклаш режаларини тиздилар.

Буржуа партиялари тактика мулоҳазалари билан Миллий мажлисда ҳукумат программасини маъқуллаш учун овоз бердилар, лекин амалда бу программанинг баъзиларини тўққинчи қилдилар. 1947 йил октябрда буржуа партиялари ўнг социал-демократлар билан биргалаб антикоммунистик блок тиздилар, бу блок ҳукуматнинг фаолиятини издан чиқарди. Миллий мажлисда бир қанча муҳим қонун лойиҳаларининг қабул қилинишини йўққа чиқарди, янги конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш ишига зўр бериб тўққинчи қилди.

Коммунистик партия буржуа партияларининг халққа қарши сиёсатини тинмай қўй қилди. Буржуа партиялари ақсўлатларнинг манфаатини оқиндан-оқин қийма қилганларига кенг халқ оммаси тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилди. Тўла фом бўлиш ва 1948 йил май ойига белгиланган янги парламент сайловларида магдубиятга учраш хавфи остида қолган ҳамда Америка ва Гаврий Европа империалистик доиралардан мадад олинган ички реакция кучлар давлат ўзгариш қилиш йўлига ўтиб олдилар. Актив ҳаракат қилишга киришмиш тўғрисидаги сигнал АКШдан берилди. 11 февралда реакция партияларнинг магдубияти АКШнинг Чехословакиядаги элчиси Штейнгардт Америкада зўр вақт бўлганда дейин ўз хизмат жойига, яъни Прагада жўнаб кетганлиги тўғрисида катта шов-шув кўтариб бади. У, Нью-Йоркдан жўнаб кета туриб, муҳим баёнот берди. Америка ҳукуматининг дипломатик вакили Чехословакия республикасининг ички ишларига қўлол суратда аралашиб, бўлажак парламент сайловлари «Коммунистларнинг сиқити бўлмаган ҳолда ўтди», деди. Бу аса, америкаликларнинг мўлжал қилишчи, коммунистлар Миллий мажлисга сайловлар ўтказилганга қадар Чехословакия ҳукуматини қай қарий бериб олишини билдирар эди.

19 февраль кечқурун Штейнгардт Прагада келди. У дарҳол америка журналистларини ҳамда чехословак реакция магдубиятининг вакиллари тўлаб, улардан ўзининг баёнотида эълон қилишларини талаб қилди. Бу баёнотда АКШ ҳукумати «Чехословакия ўз қарорини ўзгаришга ҳамда Маршалл планига да босоната қатнашадиган», деб умид қилади, дейилган эди. Реакция

магдубот томонидан кўчаларга кўтариб мақталган бу баёнот ҳам АКШнинг раҳбар доиралари Миллий мажлисдаги бешинчи колонна ердми билан АКШ учун мақбул ташқи сиёсат юргизадиган ҳукумат тузишни мўлжаллаётганликларини билдирар эди.

Эртаси кун, 20 февралда Миллий-социалистик, Халқ ва демократик партияларнинг вакиллари ҳукуматини эрталаб соат 10 га таъинланган навобатдан ташқари мажлисга келмадилар. Бир неча соатдан сўнг ҳукуматнинг 26 аъзосидан 12 реакция министр президенти Бенешга истефо берганликлари тўғрисидаги баёнотларини топширдилар. Қора ният билан қилинган ҳукумат кризиси ана шундай бошланди.

Президент Бенешнинг қўллаб-қувватлашга олдиндан ишонган фитначилар дастлаб коммунистларнинг ҳукумат составидан чиқаришини, «амалдорлар ҳукумати» деб аталган ҳукумат тузиб, унинг ердами билан парламент сайловлари ўтказишни, сўнгга аски давлат апаратини тиклашни ҳамда капитализмни тиклашни мўлжаллаган эдилар. Фитначилар фақат ички реакция кучларга таяниш билан қолмадилар. Улар АКШ вакиллари билан биргалаб Гаврий Германияда турган америка қўшунларининг фитначиларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги масалани олдиндан муҳокама қилиб қўйдилар.

Бироқ Чехословакия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ички ва ташқи душмандарининг режаларини ўз вақтида билб олди. ЧКП Марказий Комитетининг Президиуми 17 февралда мамлакатда оз берган жиддий ахволий муҳокама қилиб, халқини, барча прогрессив кучларни буржуа сиёсий партияларнинг давлат ўзгариши қилиш йўлидаги уринишларини энг бошқиб-қиб йўқ қилиб ташлашга таъбир бўлиб туришга қарқиди. 20 февралда, реакция министрлар истефо берганидан кейин ЧКП Марказий Комитетининг Президиуми ва Словакия Компартиясининг Марказий Комитети халққа мурожаат қилдилар, бу мурожаатга ҳукумат кризисининг моҳияти ҳамда реакциянинг контрреволюцион мақсадлари фом этилди. Компартия ишчилари ва меҳнатчиларини реакциянерларга қатъий зарба беришга ҳамда халқнинг ғалабаларини сақлаб қолишга қарқиди.

21 февралда ЧКП Марказий Комитетининг қарори билан Прагадаги тарихий Староместская майдонига ишчилар, пойтахт аҳолисининг гоят катта митинги бўлди. Братиславада, Остравада, Кладнода, Брнода ҳамда бошқа шаҳар ва қишлоқларда оммавий намоишлар ва митинглар бўлиб ўтди. Бутун халқ компартияни тўла суратда қўллаб-қувватлади. Компартия истефо берган министрларнинг ҳукуматга қайтиб киришишга йўқ қўймаслиги, Миллий фронтнинг коммунистлардан, бошқа партияларнинг сўл вакиллари билан ҳамда партияси прогрессив доираларнинг вакиллари билан янги ҳукуматни тузиш тўғрисидаги талабларини майдонга ташлади.

22 февралда Прагадаги савдо-саноат виставкаси Саройида Чехословакия фабрика-завод комитетлари ва касабда овоз ташкилотларининг съезди бўлиб ўтди. Съездин саккиз минг делегати (қарши овоз берган 10 делегатдан бошқа) Чехословакиянинг бутун ишчилар синфи номидан ҳукумат кризисини дарҳол тутатишни ҳамда реакциянерларни ҳукуматдан ҳайдаб чиқаришни яқинлик билан талаб қилди. Съезд саватини янада национализация қилишни ҳамда ер ислоҳотини тугаллашни, янги конституцияни қабул қилишни талаб қилди. Бу талабларини қўллаб-қувватлаш зомасидан сўзла меҳнатчиларини бир соатлик умумий забастовка қилишга қарқиди.

Забастовка 24 февралда, соат 12 да бошланди. Гоят ушқоқлик билан ўтган бу забастовка реакция фитнасига қарши бўлиб чиққан ҳамда демократик ютуқларни ҳимоя қилишга аҳд қилган барча меҳнатчиларнинг қудратини намоишшига айланди.

Халқнинг революцион иродаси билан ҳисоблашмишга мажбур бўлган Бенеш эртаси кунги реакциянер министрларнинг истефосини қабул қилди ҳамда тикланган Миллий фронт ҳукуматининг янги составини ташкилади.

Февраль кунларида компартиянинг қақирини билан жойларда Миллий фронтнинг ҳаракат комитетлари тuzилди. Бу комитетлар давлат апаратининг айрим звеноларини, фабрика ва заводларини, сиёсий партияларни ва бошқа жамоат ташкилотларини реакция элементлардан тозалай бошладилар.

Фитначилар ва итвogarлар тартибсизлик чиқариш ва тўқнашувлар қилиш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Уларга биринчи галда империалистик мамлакатларнинг «тартиб» ўрнатиш мақсадида Чехословакия ички ишларига арала-

шуви учун «асос» вужудга келтириш керак эди. Бироқ бу итвogarликдан иборат мақсадлар ҳам шармандаларча барбод бўлди.

Февраль воқеалари кунларида чехословак ишчилар синфи компартия афротида янада зичроқ жипслашиб, юксак сиёсий ҳушёрлик ва ушқоқлик кўрсатди. Компартия оғир синфий кураш шартинида ўз сафларининг мустаҳкам бирлигини намоиш қилди ҳамда оммавий контрреволюция кучларини тор-мор қилиш учун курашга бошлаб боради. Миллий халфсизлик корпуси, ишчиларнинг қўролланган отрядлари (халқ милицияси) мамлакатда тўла тартибни сақлаб турдилар.

Омманинг мададидан маҳрум бўлган реакция кучлар мамлакатда ҳўм сўрган итвogarлиги тузума қарши курашининг куч ишлатиш формаларини қўллашдан ўзини тийди. Шундай қилиб, компартия раҳбарлик қилган ишчилар синфи, барча меҳнатчиларнинг ҳушёрлиги туфайли ички ва ташқи реакция кучларининг давлат ўзгариши қилиш йўлидаги уринишлари қатъий мағдубиятга учради.

«Айни вақтда реакциянинг 1948 йил февралда ўзгариш асас ҳамда капитализмни тиклаш йўлидаги уриниш», — деб ўқитиб ўтди. А. Новотный ЧКП Марказий Комитетининг 1956 йил маргда бўлиб ўтган пленумида, — битта ҳам ўқ узилмай, барча парламент нормаларига риоя қилинган ҳолда тор-мор қилинди».

Бўрокли февраль кунларида Чехословакия меҳнатчилари катта тарихий ғалаба қозондилар. Февраль воқеалари давомида халқ-демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб ўтиш процесси тугалланди. Қоҳимият тўла равишда ишчилар синфи қўлига ўтди. Халқ-демократик Чехословакия пролетариат диктатураси давлатига айланди. Халқ демократияси тарқатилишининг янги босқичи — кенг социалистик қўриқли босқичи бошланди.

Чехословак халқининг ғалабаси бутун дунёдаги демократик ва тинчликсевар кучларнинг ҳам катта ғалабаси бўлди. Шунинг назарида тўтмоқ керакики, ўша вақтда халқро империалистик доиралар Чехословакияни Европадаги халқ-демократик давлатлар системасидаги энг бўш ҳалқа деб билди, бу мамлакатни тинчлик ва социализм лагерининг ақариб олишга ва уни ўзларининг Европадаги базаларига айлантиришга қарор қилган эдилар. Реакция планларини февраль кунларида барбод бўлганда кейин империалистик чехословак халқининг ишларига қўрол кучи билан аралашмишга журъат қилмадилар. Шундай қилиб, империалистик кучларнинг Чехословакияда амалга оширилган ҳамда Европадаги социализм лагерига зарба беришга қарата қилинган уриниш мағдубиятга учради.

Тарихий февраль воқеаларидан сўнг ўтган йиллар мобайинда Чехословакия меҳнатчилари ақано-микани ва маданиятини ривожлантириш соҳасида катта ютуқларга эришдилар. Мамлакатда социализмнинг мустаҳкам негизлари барпо қилинди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш Чехословакияда Италиядагига нисбатан уч марта кўпроқ, Франция, Голландия ва Бельгиядагига нисбатан кўпроқ.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар содир бўлди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кўпайтириш соҳасида маълум ютуқларга эришилди. Чехословакия қишлоқ хўжалигида социалистик сектор устун бўлиб қолди. 11 мингдан ортиқ агроно қишлоқ хўжалик кооперативи (ЕСХК) тuzилди, улар қўлидаги ерлар бутун қишлоқ хўжалиги ерларининг 54 процентини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалик кооперативлари ва давлат хўжаликлари мамлакатдаги қишлоқ хўжалик ерларининг 65 процентидан кўпрогига эгаллик қилмоқда.

Буюк социалистик лагернинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Чехословакия ўзининг Совет Иттифогини, Хитой Халқ Республикасини, барча социалистик давлатлар билан бўлган бузулмас дўстлигини тинмай мустаҳкамламоқда.

Тарихий февраль ғалабасининг ўн йиллигини Чехословакия меҳнатчилари халқ оммасининг сиёсий ва меҳнат активлиги гоят юксалган бир шартинда нишонламоқдалар. ЧКП Марказий Комитетининг 30 сентябрь — 2 октябрда бўлиб ўтган Пленуми компартиянинг барча ташкилотлари ва аъзоларига, Миллий фронт ташкилотларига ҳамда Чехословакия меҳнатчиларига хат билан мурожаат қилиб, социализм қурилишини тугаллашнинг конкрет вазифаларини белгилла берди. ЧКП Марказий Комитети меҳнатчиларини иккинчи беш йилликни (1956-1960 йиллар) муваффақият билан баъариниш учун фойдаланишга ётган резервларини сафарбар қилишга қарқиди. Бутун мамлакат бўлиб ЧКПнинг бир неча ойдан сўнг очилган XI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа аял олмади. Партия съезди халқ-демократик Чехословакияси экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш перспективаларини белгилла беради.

катта концерт

Концертда: Жуманазар Бейжонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Раҳимова, эстрада солистларидан Зокиржон Сутонов, Вазират Хўжаев, Розия Қўрбонова, Муҳаббат Мусаева, Азиз Муллахонов, Мадмин Содиков, Убай Хўжаев, Виктор Татинбийдин, Рўзи Қайомов, Мавлон Тошмухамедов ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

В. МЕДОВ.

Руминия ва Венгрия ҳукумат-партия делегациялари ўртасида музокаралар

БУХАРЕСТ, 23 февраль. (ТАСС). Кеча бу ерда Руминия Халқ Республикаси ва Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумат-партия делегациялари ўртасида музокаралар бошланди.

Музокараларда Руминия томонидан Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Георгиу-Деж, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг расми Кину Ойтка ва делегациянинг бошқа аъзолари, Венгрия томонидан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети расмининг биринчи ўринбосари Антал Апро ва делегациянинг бошқа аъзолари қатнашдилар.

Самимий ва дўстона вазиятда ҳар иккала делегация ўзаро ахборот бериш ва ҳар иккала томонни қизиқтираётган проблемаларни муҳокама қилдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизларининг конференцияси ўз ишини тамомлади

КОЛОМБО, 23 февраль. (ТАСС). Бутун Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизлари конференциясининг охириги мажлиси бўлди. Маъж-лис ёпиқ ҳолда ўтказилди. Бу ерда маълум бўлишча Хитой Халқ Республикаси делегациясининг бошлиғи Ши Лян ўз нутқида бу конференция Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизларининг ҳамкорлигига асос солиб, деб таъкидлаган. Хитой хотин-қизлари, деган у, миллий мустақилик ҳамда Осиёда, Африкада ва бутун дунёда тинчлик манфаатларини қўлаб, Банзунг конференцияси руҳида бошқа мамлакатларнинг хотин-қизлари билан дўстона ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашнинг яқинлашди. Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Лакшми Менон қарамлардаги базан тафовутларга қарамай, конференция қатнашчиларининг истаги бир, у ҳам бўлса — тинчлик ва бахт-саодат учун курашда барча мамлакатлар хотин-қизларининг куч-райратини бирлаштиришдан иборатдир, деган. Конференциянинг қилган ишлари, деган у, Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизларининг умумий мақсад йўлидаги биринчи қадами, ҳолос.

Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизларининг конференцияси ўз ишини тамомлади.

ПОЛЬША ДАВЛАТ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

ВАРШАВА, 22 февраль. (ТАСС). Польша магдубот агентлиги хабар беради: Польша Халқ Республикасининг Давлат кенгаши Польша давлатининг минг йиллигини байрам қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/II да Чин муҳаббат, 26/II да Алишер Навоий.

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/II да Жизель, 26/II да Евгений Онегин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

— 26, 27, 28/II, 1 ва 2/III да энг кекса цирк артисти Михаил Каледин раҳбарлигидаги Қизик-чилар группасининг хайрлашув гастроллари. Ташома кеч соат 8 да бошланади.

«ЕШ ГВАРДИЯ». «ЎЗБЕКСТОН»

— кундуз ва кечқурун янги кинокомедия Куча тасодифларга тўла.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

26 февралда

Концертда: Жуманазар Бейжонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Раҳимова, эстрада солистларидан Зокиржон Сутонов, Вазират Хўжаев, Розия Қўрбонова, Муҳаббат Мусаева, Азиз Муллахонов, Мадмин Содиков, Убай Хўжаев, Виктор Татинбийдин, Рўзи Қайомов, Мавлон Тошмухамедов ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

Чет элларда

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Тунисдаги воқеалар ҳозирги вақтда бутун дунёнинг эътиборини жалб қилмоқда. Франция авиациясининг Тунисдаги тинч Сақиб-Сиди-Юсуф қишлоғига ваҳидиёна ҳўжум қилганлиги халқларни ларзага келтирди. Тунисдаги ҳеч бир гуноҳсиз граждандарнинг ҳалок қилинишига сабаб бўлган бу ваҳшийликка қарши ер юзининг ҳамма жойида порозилик тўқнини кенгайиб кетди.

Осиё мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети ўз миллий мустақилигини мустаҳкамлаш учун курашга тунис халқига қарши қилинган агрессиядан гоят ғалабалаган совет жамоатчилигининг фикрини ифодалаб, қардош Тунис

халқига чуқур ҳайрихоҳлик билдирди ва Жазирадаги мустамакачилик урушининг бошқа районларга ёйилиб кетишидан иборат жиддий хавф туғдираётган мустамакачиларнинг бу жиний ҳаракатларини қоралайди.

Осиё мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети Тунисга қарши қилинган агрессия қораласин, деган одилона талабларини қизини равишда қўллаб-қувватлайди ва бу райондаги мажоро тинчлигини ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларини қўлаб бартараф қилинади, деб умид билдиради.

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ СОВЕТ КОМИТЕТИ.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ БАРПО ҚИЛИНИШИ

Миср ва Сурияда ўтказилган умумий овоз беришининг яқунлари

ҚОҲИРА, 22 февраль. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси барпо этилганлигини ҳамда Жамол Абдил Носир Республикаси президенти бўлиб сайланганлигини умумхалқ ақиб бўлиб маъқуллаганлиги муносабати билан бутун Қоҳирадаги Республика майдонига кўп минг кишилик митинг бўлди.

Жуда катта майдон Қоҳира аҳолиси билан лиқ тўлди. Юқори синф ортиларининг студентлари, ёшлар ва ишчилар бу ерда байроқлар ва плакатлар кўтариб келдилар. Майдон байроқлар, транспарантлар ва широрлар билан байрам тусида безатилган. Кўп кишилар президент Носирнинг портретларини қўларидан кўтариб келганлар.

Президент Носир, Миср ҳукуматининг аъзолари, Миллат мажлисининг депутатлари митингга келдилар. Митингга маҳаллий ва чет эл магдуботининг, радио ва кинохроникларинг ҳам жуда кўп вакиллари ҳўжиб бўлди.

Ташқи ишлар министри Закарёв Моҳиддин митингга очиб, умумий

овоз бериш натижасида Сурия билан Мисрнинг бирлаштирилганлиги Мисрда 247 овозга қарши 6.102.128 овоздан иборат катта кўпчилик овоз билан маъқуллади деб эълон қилди. Бирлашган Араб Республикаси президенти Жамол Абдил Носирнинг сайланиши ҳам 265 овозга қарши 6.102.116 овоздан иборат катта кўпчилик овоз билан маъқуллади.

ДАМАШҚ, 22 февраль. (ТАСС). Бутун Сурия халқи Бирлашган Араб Республикаси барпо қилинишини ва бу республикага Жамол Абдил Носирнинг президент бўлиб сайланишини яқинлик билан маъқуллади. Умумий овоз беришда 1.313.070 киши қатнашди. Сурия билан Мисрнинг бирлаштирилишини ёқлаб 1.312.859 овоз берилди; республика президенти Жамол Носирнинг сайланишини ёқлаб 1.312.080 овоз берилди.

Шундай қилиб, овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,9 процентини президент Жамол Абдил Носир бошчилигида — Бирлашган Араб Республикаси барпо қилинганлигини маъқулладилар.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНING ТУЗИЛИШИГА ДОИР

ҚОҲИРА, 23 февраль. (ТАСС). Миср магдуботининг хабар беришча, ҳозирдаёқ 17 давлат Бирлашган Араб Республикасини таниганлигини расмий равишда билдирган.

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носирга юборган табрик телеграммасини кўринида жойларда босиб чиқардилар. Телеграмма тексти Қоҳира радиоси орқали бир неча марта ўқиб эшиттирилди.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

РЕСПУБЛИКА КИНОУСТАНОВКАЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЯНГИ ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА УҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ЧИҚАРДИ

МАНЗАРАЛИ ФИЛЬМЛАР: Цхатубо, Приморье йўллари бўйлаб, Вена қишлоғи, МЕДИЦИНА БУИЧЧА: Қон қуйиш, Грийл, Болаларни гриппдан сақланг, Тажрибада бўлган воқеа, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БУИЧЧА: Ил бўйи кўк сабзавот егштириш учун, Милларда учун кураш, Дарё водиларидаги хазиналар, Илғор қолхоз, ЧЕТ ЭЛЛАР БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚА ҲАҚИДАГИ

ФИЛЬМЛАР: Совет-Герман дўстлиги бузлмадир, Тунисдаги байрам, Буюк Британияда 15 кун, АВТО ИШИ БУИЧЧА: Батарей ёрдами билан ёқиш, ЯНГИ ТЕХНИКА ҲАҚИДАГИ ФИЛЬМЛАР: Токарь станокларининг қисқич асбоблари, Қон қизилмаларининг жадал продохаси, САҲНАТ ҲАҚИДАГИ ФИЛЬМЛАР: Рассом Репин, Утмиш шохидлари, VI КУРАСТОН ФЕСТИВАЛИ ҲАҚИДА, Ёшлар старгта.

Колхоз правленилари ва колхозчилар диққатига!

«ТАШГОРКООПТОРГ» колхоз ва колхозчилардан ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ комиссияга қабул қилиш учун

ШАРТНОМА ТУЗМОҚДА

Кейин бу маҳсулотлар Тошкентга олиб келиб сотилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Цеткин кўчаси, 72-уй.

Водопроводная кўча, 28/34-уйда турувчи Вадуд Маждинович Баҳодировнинг Полиграфическая кўча, 38 уйда турувчи Наима Баҳодировадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида қўрилади.

Пахта кўчаси, 60-уйда турувчи Михаил Юсупович Манахимова шун уйда турувчи Хана Манахимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 1-участка халқ судида қўрилади.